**«Наврўз дехкон бозори» АЖ**
**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ**
**БАЁНИдан кўчирма**

**2020 йил 30 сентябр** **соат 11 -°°**

Овоз берувчи акциялар сони: 651 063 дона эгасини номи ёзилган нақтсиз.

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Темур Малик кучаси 3 а уй манзилида, «GRADIENT»МЧЖ маъмурий биносида 2020 йил 30 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 625 539 овозга эга 3 та акциядор қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 96,08 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Тошкент шахар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили, "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКнинг ишончномаси асосида «GRADIENT»МЧЖ директори Ф.Б.Мамаджанов қатнашмоқда.

Йиғилишда раисликни Ф.Б.Мамаджанов олиб борди.

Ф.Б.Мамаджанов йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,08 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилишга котиб этиб Д.Рахимова номзоди бир овоздан кабул килинди.

Санок комиссиясига Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиевалар бир овоздан сайландилар.

**Йиғилиш кун тартиби:**

*1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботини эшитиш.*

*2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни буйича ташқи аудиторлик текшируви хулосасини куриб чикиш.*

*3. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш хулосасини кўриб чиқиш;*

*4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш;*

*5. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари хисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;*

*6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган "Бизнес режаси"ни ҳамда "даромадлар ва харажатлар сметаси"ни тасдиқлаш;*

*7. Жамият директорини сайлаш ҳақида;*

*8. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;*

*9. Жамият Тафтиш хайъатини сайлаш;*

*10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;*

*11. Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;*

*12. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти бўйича жамият Аудиторини сайлаш ва аудитор хизматига тўланадиган хақи миқдори белгилаш.*

*13. Жамиятнинг "Ширин" филиали худудида сотувчи ва харидорларга қулай шароитлар яратиш мақсадида 138 та дўкон қуриш масаласи.*

Регламент куйдаги тартибда тасдикланди: Биринчи масалага 5 минут, колган масалаларга 3 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вакт берилиши келишиб олинди.

**Қарор қабул қилади.**

1. «Наврўз дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ.

2. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «AUDIT VARN »МЧЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ).
5. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиклансин. (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ).
6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (М.С.Исламов)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ). Бугунги кунда мамлакатимизда давом этаётган коронавирус эпедимиясининг бозор тушумларига таъсирига караб, смета курсаткичлари узгариши инобатга олинсин.
7. Жамият директори этиб Маъруф Исламович Исламов сайлансин, акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар мехнат шартномаси тузилсин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йуқ).

8. **Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:**

| | | |
|---|---|---|
| 8.1 | Мамаджанов Фаррух Бахтиярович | 625 539- та овоз |
| 8.2 | Саидазимов Саидакромхон Саидазимхонович | 625 539- та овоз |
| 8.3 | Расулов Жавохир Мирзахалил ўғли | 625 539- та овоз |
| 8.4 | Мухамедов Жамшид Абдусаттор ўғли | 625 539- та овоз |
| 8.5 | Ганиев Дилмурод Иркинович | 625 539- та овоз |

9. ***Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин:***

| | | |
|---|---|---|
| 9.1 | Сайфутдинов Шухрат Хайрутдинович | 625 539- та овоз |
| 9.2 | Каримов Боходир Хайдарович | 625 539- та овоз |

10. Жамият «EXPERT AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -194 “паст” бахо, фоиз шкала -16 % бахоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
11. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «AUDIT VARN »МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 7.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
13. Жамиятнинг хозирда бўш турган “Ширин” филиали худудида сотувчи ва харидорларга қулай шароитлар яратиш, туман худудида ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида 138 та дўкон, ижара хуқуқи сотилишидан тушадиган маблағлар хисобига қурилиши кўзда тутилаётганлигини инобатга олиб розилик билдирилсин. (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

*Баённома имзоланган сана: «___ » октябрь 2020 йил.*

**Мажлис раиси** **Ф.Б.Мамаджанов**

**Мажлис котиби** **Д.Рахимова**